

**АБУ ҲИЛОЛ АЛ-АСКАРИЙ ҲАЁТИ ВА ҚОЛДИРГАН
ИЛМИЙ МЕЪРОСИНИНГ ЛУҒАТШУНОСЛИКДАГИ
АҲАМИЯТИ**

Muxammadjonov Azizjon Maxmudjon o'g'li

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti Arab filologiyasi
kafedrası o'qituvchisi

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақола Абу Ҳилол ал-Аскарӣ илмий меъроси тадқиқига бағишланган. Маълумки, Абу Ҳилол ал-Аскарӣ луғатшуносликда ном таратган олим ҳисобланади. Айниқса, унинг “Ал-фуруқ ал-луғавӣ” асари бу борадаги салмоқли ва ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган илмий манбалар сирасига киради. Мақола муаллифи ушбу фикрларни келтириш билан биргаликда, муаллифнинг бошқа китоблари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

Унинг фикрича, Абу Ҳилол ал-Аскарӣ ушбу асар устида ишлар экан, исломгача давр шеъриятига мурожаат қилиб, улардан кенг фойдаланган. Бу ўз навбатида араб мумтоз адабиётида образ ва баён уйғунлигини тадқиқ этиш учун ёрдам беради.

Мақола хулосасида Қуръонда синонимия масаласини ўрганиш тафсир тараққиёти учун янги истиқболларни очиши ҳақида гапирилади. Бу борада Қуръоннинг сўз бойлигини контекстуал таҳлил қилиш оятларни шарҳлашда фойдали бўлиши мумкинлиги исботланади, дейди мақола муаллифи.

Калит сўз ва иборалар: Абу Ҳилол ал-Аскарӣ, илмий меърос, луғатшунослик, “Ал-фуруқ ал-луғавӣ”, Қуръон, тафсир.

**THE SIGNIFICANCE OF ABU HILAL AL-ASKARY'S LIFE AND
SCIENTIFIC LEGACY IN LEXICOLOGY**

Muxammadjonov Azizjon Maxmudjon o'g'li

Teacher of the Department of Arabic Philology of the Tashkent State
University of Oriental Studies

ABSTRACT: This article is devoted to the study of the scientific heritage of Abu Hilal al-Askari. It is known that Abu Hilal al-Askari is a scientist who has made

a name for himself in the field of lexicology. In particular, his work "Al-Farouk al-lugovaya" is among the significant scientific sources in this regard and has not lost its relevance to this day. The author of the article, along with quoting these points, also provides information about other books by the author.

In his opinion, Abu Hilal al-Askari used them extensively, referring to the poetry of the pre-Islamic period, working on this work. This, in turn, helps to explore the combination of images and descriptions in Arabic classical literature.

The conclusion of the article suggests that the study of the issue of synonymy in the Quran opens up new prospects for the development of interpretation. In this regard, it is proved that contextual analysis of the vocabulary of the Quran can be useful in interpreting verses, says the author of the article.

Key words and phrases: Abu Hilal al-Askari, scientific heritage, lexicology, "Al-Farouk al-lugovaya", Quran, interpretation.

Манбаларда Абу Ҳилол ал-Аскарӣй 310 ҳижрий (мелодий 920) йилда таваллуд топган. Вафоти ҳижрий 395 (мелодий 1005) йилга тўғри келади¹. Кўфа, Басра ва Боғдодда таҳсил олган. Унинг тўлиқ исми – Абу Ҳилол ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Саҳл ибн Саид ибн Яҳё ибн Михрон ал-Луғавий ал-Аскарӣй. Луғатшуносликда ном чиқарган кўзга кўринган олим. У бундан ташқари “Балоғат илми”, “Танқид” ва “Ахлоқшунослик” илмлари доирасида ҳам рисолалар ёзган. Дастлабки билимларини “Тасҳиҳ ва таҳриф” муаллифи бўлган тоғаси Абу Аҳмад ал-Аскарӣйдан² олган. Унинг луғатшуносликда амалга оширган янгиликлари хилма-хил, баёнлари ёки таърифлари бир-бири билан уйғун эди. Ўрта асрлар Шарқ уйғониш даври анъаналарига кўра, устози каби билимдон бўлгани учун унга ҳам Аскарӣй куняси берилган.

¹ لبنان / بيروت - دار الكتاب العربي تاريخ الإسلام. امام الذهبي 1407. 338 /9

² Абу Аҳмад ҳижрий 846 йил Мадина шаҳрида туғилган. Унинг «ал-Аскарӣ» лақаби араб тилида “ҳарбий” маъносини берувчи «Аскар» сўзидандир. Унга мазкур кунянинг берилиши ўзи туғилиб ўсган Самарра қишлоғида ҳарбий аскар бўлгани сабабидандир. Ҳасан ал-Аскарӣ 22 ёшида отаси жангда ҳалок бўлади. Бошқа манбага кўра аббосий халифа Мўътаид томонидан захарлаб ўлдирилган дейилади. (Eliash, J. «Hasan al- 'Askari, Abū Muḥammad Ḥasan b. 'Alī.» Encyclopaedia of Islam, Second Edition. Edited by: P. Bearman, Th. Bianquis, C.E. Bosworth, E. van Donzel and W.P. Heinrichs. Brill, 2010. Brill Online. Augustana. 13 April 2010).

Абу Ҳилол ал-Аскарининг ҳам ва тоғаси илк устози Абу Аҳмад ал-Аскарининг ҳам таржимаи ҳоли ҳақида маълумот жуда оз. Уларни шеърят ва адабиёт, танқид ва тилга бўлган қизиқишлари туфайли дунё матоси бўлган нарсаларга ёки савдо-сотикқа кўпда аралашмаганликлари ҳақида ёзадилар. Очкўзлик, исрофгарчилик, таъмагирлик каби сифатлар уларга бегона эди дея замондошлари тилга олишади³.

Олим таълиф қилган асарлари орасида “Ал-фуруқ ал-луғавийя” китобидан бошқа бизгача етиб келганлари қуйидагилардир: الأمثال جمهارة [Жамҳарат ал-Амсал] (Мақоллар тўплами); كتاب الصنعتين [Китаб ас-санъаатайн] (Икки санъат ҳақида рисола); القرآنالمحاسن في تفسير – “Қуръон тафсирларидаги гўзалликлар”, ديوان المعاني – “Маънолар девони”, شرح الحماسة – “Жасоратнинг изоҳи”, معاني الأدب – “Киборнинг ёмонлиги”, ذم الكبير – “Биринчилар”, الأوائل – “Одоб маънолари”, من احتكم من الخلفاء إلى القضاة – “Халифалардан қозига муурожаатлар”, التبصرة – “Изоҳлар”, الدرهم والدينار – “Дирҳамлар ва диноралар”, فضل العطاء – “Беш жилдлик тафсир”, التفسيرفي خمس مجلدات, “Берилганларнинг фазилати”, لحن الخاصة – “Хосларнинг овози”.

Юқоридаги китобларнинг аксарияти тўлалигича бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Улардан айримлари ҳақида маълумотлар тўплашга мувоффақ бўлинди.

Муаллифнинг зикри келтирилган юқоридаги асарларида ҳам араб тили лексикисига оид муҳим масалалар ёритилган. Улар орасида нисбатан кўпроқ тадқиқот олиб борилган асар “Жамҳарат ал-Амсал” китоби бўлиб, мазкур асар тилшуносликка қўшган қийматли ҳиссаси билан алоҳида ажралиб туради.

جمهرة أشعار العرب – “Жамҳарат Ашъар аль-Араб” (Араб шеърлари тўплами) деб ҳам юритиладиган китобда муаллиф араб шоирларининг шеърлари ва қасидаларида ўз ифодасини топган сўзларнинг ишлатили ва қандай маъноларда келиши кўрсатиб берган. Китоб етти қисмда иборат ва уларнинг ҳар бири етти қасидадан таркиб топган.

1407.338/9. لبنان / بيروت - دار الكتاب العربي تاريخ الإسلام. امام الذهبي³

Биринчи қисмдан етти муаллақот ўрин олган. Маълумки, исломгача давр араб шоирлари ижоди намуналари бўлган қасидалар йиллар давомида оғиздан-оғизга етиб келган бўлиб, Аббосий халифалар даврида араб грамматикаси ва лексикасини ўрганиш мақсадида улар тўплам ҳолатига келтирилган. Мазкур тўпламлар Антологияги Муаллақот деб номланган. Даставвал улар етти қасидадан иборат бўлгани учун “Еттилик” деб ҳам номланган. Аммо, юксак бадиият билан битилган байтлар ўзига хос бетакрор маънавий дуру жавоҳирларни англатгани учун унга берилган Муаллақот (аёлларнинг бўйнига осадиган қимматбаҳо маржонлари) номи машҳурлик топган. Мазкур тўпламларга Ал-Қураший, ан-Набиға ал-Аъша ва Ал-Харис томонидан айtilган қасидалар киритилган.

Иккинчи қисм «ал-Мужамшарат» («тўпланганлар») деб номланади. Ади ибн Зайд, Антара ибн Шаддад шеърлари киритилган.

Учинчи қисм - «ал-Мантуқайад», «танланган» деб номланган. Унда куйидаги шоирларнинг ижодидан намуналар кўриш мумкин: Абу Лейло ал-Мухалхил, Урва ибн ал-Вард ва Дорайд бин ал-Сома.

Тўртинчи қисм «ал-Музаҳхабат» (“олтинланган”) Мадина аҳли бўлган Авс ва Ҳазраж қабиласига мансуб ширлар оғзидан янграган шеърлардан иборат. Улар орасида энг машҳурлари Ҳасана ибн Сабит, Абдуллоҳ ибн Равоҳа ва Амр ибн Имру ал-Кайслардир.

Бешинчи қисм бағшида шеърлардан (элегия) иборат ва олтинчи қисм «ал-Машбуҳот» (Шубҳалар) деб номланади, таркибида ишонч ва ишончсизлар маъноларини ўз ичига олган шеърий сатрлар кирган. Бундаги муаллифлар орасида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-салом олдиларида шеър ўқигани билан машҳурлик топган Кааб ибн Зухайрни тилга олиш мумкин.

Еттинчи қисм «ал-Мулҳамот» деган ном олган, уруш ва муборазаларга бағишланган шеърлардан иборат. Ундан Ал-Фараздақва Ал-Ахтал ал-Тағлибий кабиларнинг қасидалари ўрин олган.

Муаллиф ушбу китобида турли мавзуларда битилган шеърларда бадий тасвир воситаларининг қўлланиши сўзларнинг алоҳида ва жумла таркибида англатадиган маънолари борасида баҳс юритади.

كتاب الصنعتين [Китаб ас-синъаатайн] “Икки санъат ҳақида рисола”да муаллиф “Балоғат илми” ҳақида сўз юритади. Икки санъат деганда “ёзув” ва “шеър” санъатларини назарда тутган. Маълумки, ёзувнинг ўзи, айниқса араб ёзуви алоҳида бир санъатдир. Бу ёзувдан хабардор бўлган ва бўлмаганлар хаттотларнинг ўта дақиқ маҳоратлари билан яратилган ёзув санъати дурдоналари олдида лол қоладилар.

Дастлаб шаклланган хатни куфий деб номлаган бўлсалар, кейинроқ насх деб номланган хат тури ихтиро қилинди. Бу хат ёзиш учун осонроқ ва маҳсул маҳорат талаб этилмагани учун нусха кўчиришда жуда қўл келди. Аммо маҳоратли хаттотлар ўз хатларини гўзаллиги билан ажралиб туришини истаб, насх хатининг “таълиқ” (“осилган”) тури яъни “насх таълиқ” хатига асос солдилар.

Бутун жаҳон тамаддунига янги бир маданият олиб кирган ислом архитектурасининг ажралмас қисми ҳисобланган бинолар пештоқлари ва устунлар деворларга битиладиган хатнинг ўзига хос тури шаклланди. Унга “сулс” (“учдан бир”) деб ном бердилар. Хатларнинг кейинги асрларда “девоний”, “риқоъ” турлари ҳам кашф этилди. Хуллас Абу Ҳилол Ал-Аскарӣ “ёзув” санъати борасида хатларнинг энг мураккабликларигача тўхталади. Олимнинг билимлари анчайин серқирралиги шунда намоён бўладики, у “ёзув санъати”дан ташқари “шуер” санъатидан ҳам яхши хабардорлигини айни шу рисолада кўрсата билган. Ҳақиқатдан ҳам “Балоғат илми”нинг нозик қирраларини Қуръоний мисоллар воситасида келтириб, афсонавий шоирлар шеърларидаги услубий камчиликларни танқид қилганини кузатишимиз мумкин.

المحاسن في تفسير القرآن – “Қуръон тафсирларидаги гўзалликлар” асари бевосита араб тили лексикологиясининг яна бир гўзал намунаси бўлган десак

хатодан холи бўлмайди. Муаллиф Қуръон оятларини изоҳлаган энг гўзал тафсир намуналарини келтириб, сўзларнинг, жумладан тадқиқотимиз объекти бўлан синонимларнинг келиб чиқиши ва тўғри ишлатилиши бўйича ўз хулосаларини бериб ўтган. Муфассирларнинг “оятни оят тафсир қилади” деган қоидаси асосида баъзи оятларда келган сўзларнинг маънодошлари қўлланиши бўйича мулоҳазалар келади. Масалан: رَفَعَ سَمَكَهَا فَسَوَّاهَا – “қаддини баланд қилиб, битирди” (Назиат: 28). Оятдаги “رَفَعَ” сўзи таржимада “баланд қилиш” маъноси билан берилмоқда. Аммо гап нима ҳақида кетаяпти?! Бу ерда “ҳазф” санъати бор. Тўлдирувчини лозим кўрадиган феъл турса ҳам у тушириб қолдирилган. Сабаби эътиборли ўқувчи бошқа оятлар мазмунидан мазкур “رَفَعَ” феъли осмонга нисбатан ишлатилишини тушунади: وَإِلَى السَّمَاءِ كَيْفَ رُفِعَتْ – “осмонларнинг қандай кўтариб қўйилганига” (Ғошия: 18). Бу оятда “кўтариб қўйилганига” деган маънони бераётган сўз яна “رُفِعَتْ” фақат мажхул нисбат, учинчи шахс, муаннас бирликда келган. Айни “кўтариш”, “баланд” қилиш сўзининг синоними сифатида “نصب” феълени ҳам ишлатиш мумкин. Бироқ бу ўринда ушбу феъл стилистик жиҳатдан хато ишлатилган бўлиб қолади. Қолаверса, кейинги оятда баланд лекин осмондан пастроқ бўлган тоғлар ҳақида гап кетганда айни мана шу феъл ишлатилган: وَإِلَى الْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ – “тоғларнинг қандай тикланганига” (Ғошия: 19).

ديوان المعاني – “Маънолар девони” бевосита жоҳилият даври шоирлари томонидан битилган қасидалар тўпламидан сараланган шеърлар таркибидаги сўзларни маъноларига бағишланган бўлиб, олим мазкур асарларнинг бадий хусусиятларини очиб берар экан, турли бадий образлар ифодасига, жумладан синонимларнинг ўз ўрнида ёки билакс ишлатилишига аҳамият қаратади. Лексик бирликлардан фойдаланиш қоидасининг эталони сифатида сўзларни илоҳий матнларда қўлланишига алоҳида эътибор беради.

ذم الكبر – “Биринчилар”, الأوائل – “Жасоратнинг изоҳи”, شرح الحماسة – “Кибрнинг ёмонлиги”, معاني الأدب – “Одоб маънолари” асарлари бир қадар дидактик характерга эга бўлиб, айтиш мумкинки, уларда ҳам тилшуносликка

оид тадқиқотнинг маълум бир аспекти сезилиб туради. Чунки, олим асарда ҳар бир ахлоққа оид сўзлар маъносини англатишда уларнинг амалий аҳамиятини очиб бериш учун аввало маъносига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтади.

التبصرة – “Халифалардан қозига мурожаатлар”, من احتكم من الخلفاء إلى القضاة – “Изоҳлар”, الدرهم والدينار – “Дирҳамлар ва динарлар”, التفسير في خمس مجلدات – “Беш жилдлик тафсир”, فضل العطاء – “Берилганларнинг фазилати”, لحن الخاصة – “Хосларнинг овози”.

Юқори номлари келтирилган кейинги рисоалар эса, ҳажман унча катта бўлмаган асарлар бўлиб, уларда айна мавзулар атрофлича ёритиб берилган.

“Ал-фуруқ ал-луғавийя” асари ёзилишига ислом дининг асосий манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги маъноларни тўғри англаш ва тўғри талқин қилишга бўлган харислик асосдир. Шу сабабдан асарнинг бош манбаи Қуръон десак хато қилмаган бўламиз. Асарда аксар келтирилган мисоллар ҳам бевосита Қуръони карим маънолари билан изоҳдангани айна фикримизни тасдиқлайди.

Абу Ҳилол ал-Аскарӣ яшаган даврга келиб тафсирчилик анча ривож топган. Шу билан биргаликда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, тафсирлар орқали оятларни талқин қилишда бир мунча ихтилофлар ҳам юзага чиққан эди. Қиёматгача ўзгармаслигига Аллоҳ таоло томонидан ваъда берилган ушбу муқаддас китоб сўзларининг бир-бирига зид тарзда маъно берилиши уммат орасида катта ихтилофларни келтириб чиқариши бу эса фожеъавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан ҳам синонимлар, маънодош сўзлар ва полисемизм борасида муаллиф катта изланиш олиб борди. Эътироф этиш лозимки, бу амалга оширилган тадқиқот кейинги тафсир илми, ҳадис илми, балоғат илми, шунингдек илми калом (фалсафа) ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшган.

“Ал-фуруқ ал-луғавийя” асари Қуръонда маъно жиҳатдан яқин бўлган сўзларнинг семантик ортиқчилиги ибора маъносини берувчи бир-бирига боғлиқ фойдаланиш ҳоллари кўп учрайди. Риторикада плеоназм деб номланувчи бундай рақамлар муҳим сўз ёки маъно соясини таъкидлаш учун хизмат қилади.

– إِنَّمَا أَشْكُو بَثِّي وَحُزْنَ يَا أَبِالْبَلَّهِ – “мен ғам ва қайғум ҳақида фақат Аллоҳга шикоят қиламан” (“Юсуф”: 86).

Бу ўринда ҳусни ахлоқ намоён бўлади. Одатда кишилар бирон муаммога дуч келганларида ёрдам бериши мумкин бўлган яқинлари ва яна шу каби манбаларга мурожаат қиладилар. Аммо, иймон асосидаги ҳусни ахлоқ кишини бошқалар устига ўз оғирлигини солишдан ор туйғусига кўниктиради. Албатта, шунинг баробарида Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсадан хабардорлиги ва меҳрибонлигига ишора ҳамда Унинг бу сифатларига бўлган қатъий ишонч кўринади. Ҳолбуки “шикоят қиламан” деб таржимада берилаётган сўз ҳақиқатдан сўзма-сўз “шикоят қиламан” деган маънони англатади. Бироқ, бу сўзни дуо маъносида англаш ва унинг маъносини “изҳор қилмоқ” деб танлаш матн моҳиятида ётган мантиққа яқин келади. Зеро, ислом ақидасига кўра, банда ўз эҳтиёжларини Аллоҳнинг Ўзидан сўраши ва асло Унинг раҳматидан ноймид бўлмаслик масаласи ётар экан, юқоридаги оятни дуо сифатида қуйиги икки оят маъноларида англаш тўғрироқ бўлади.

Бундай плеонализмни бошқа мисолларда кузатиш мумкин: الَّذِي أَحَلَّنَا دَارَ – “У Ўз фазли билан бизларни шундай мангу турадиган диёрга туширдики, у жойда бизларга на машаққат етар ва у жойда бизга на чарчоқ етар” (“Фотир”: 35). Ана шундай ҳолат қуйидаги оят мазмунида ҳам кўзга ташланади: ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ – “Сўнгра (Қуръондан айб топа олмагач) юзини тириштирди ва буриштирди” (Муддассир: 35).

Қуръонда синонимия масаласини ўрганиш тафсир тараққиёти учун янги истиқболларни очади. Бу борада Қуръоннинг сўз бойлигини контекстуал

таҳлил қилиш оятларни шарҳлашда фойдали бўлиши мумкинлиги исботлаган олимлардан бири мисрлик устоз олима Аъиша Абд ар-Раҳмондир.

Унинг ⁴ тадқиқотларида бу борада кўплаб қизиқ маълумотлар келтирилган. Олима бевосита “Ал-Фуруқ ал-луғавия” асарида келтирилган далилларни тадқиқ этар экан, биргина Қуръон масаласида уч турли жиҳатни ўртага ташлайди. Уларнинг барчаси синоним сўзларнинг нақадар ўз ўрнида келтирилиши билан боғлиқ. Жумладан, *“في الفروق بين الدلالة والدليل والاستدلال و بين ”* “далолат”, “далил”, “истидлол” ва “назар”, “қараш” ораларидаги фарқ ҳамда у билан бирга келадиган нарсалар) деб номланган учинчи⁵ бобда бир қанча маъноси бир бирига яқин сўзларнинг луғавий ва семантик маънолари таҳлил қилинганига эътиборни қаратар экан, мазкур сўзларнинг манбаси бўлган илоҳий калом – Қуръоннинг мўжизакор тароватга эга эканини илмий эътироф қилади. Дарҳақиқат ўзаги бир бўлган сўзларни кўпинча тилни янги ўрганаётган кишилар маънодош ҳисоблайдилар, лекин таъкидлаш жоизки, аксарият феълдан ясаладиган отлар ўзаклари бир бўлишига қармай, бошқа-бошқа маъноларга далолат қилади.

Масалан: *“دلالة البرهان”*, *“دلالة الكلام”* иборлари маъносидаги фарқ. Маълумки, ҳар икки иборора мослашмаган аниқловчи, яъни маънавий идофа кўринишига эга бўлиб, муносиб равишда “гапнинг далолати” ҳамда “хужжатнинг далолати” дея таржима қилинади. Биз *“الكلام”* сўзига “гап”, *“البرهان”* сўзига “хужжат” деб шартли маъно берсак-да, ҳар икки сўзнинг шу маънога яқин ва уни тўлдирувчи яна бир қанча маънолари мавжуд, жумладан: *“الكلام”* – “гап”, “сўз”, “сўзлашув”, “ибора”, “тил”, “фалсафа” каби маъноларни англатса, *“البرهان”* – “исбот”, “далил”, “аргумент” маъноларида таржима қилинади. Шундай экан бу сўзлар идофа шаклида қайсидир маънода ўзаро

⁴ Оиша Абулраҳмон (1913-1985) Мисрнинг Думят шаҳрида туғилган. Отаси Думят диний университети муддариси бўлган, дастлабки билимларини ўша шаҳарда олган, кейинроқ Қоҳира университетида ўқиган 1941 йилда магистр унвонини олган. 1942 йилдан Миср Таълим вазирлигига қарашли ўқув даргоҳларида араб тилидан дарс бера бошлаган. 1950 йилда фан доктори. Кейин Айнаш-шамс университети муддарислик қилган. “Ал-Адаб” журнали таҳрир хайъати аъзоси. Араб тили бўйича бир неча рисола ва қўлланмалар муаллифи.

⁵ *الفروق اللغوية. أبو هلال العسكري. دار العلم والثقافة. القاهرة.*

якин ҳисобланса ҳам уларнинг ўз маъно эътиборлари борлиги “Ал-Фуруқ ал-луғавия” асарида келтириб ўтилади:

أن دلالة البرهان هي: الشهادة للمقالة بالصحة، ودلالة الكلام: إحضاره المعنى النفس من غير شهادة له بالصحة إلا أن يتضمن بعض الكلام دلالة البرهان، فيشهد بصحة المقالة.
ومن الكلام ما يتضمن دلالة البرهان، ومنه ما لا يتضمن ذلك، إذ كل برهان، فإنه يمكن أن يظهر بالكلام، كما أن كل معنى يمكن ذلك فيه، والاسم دلالة على معناه، وليس برهاناً على معناه، وكذلك هداية الطريق دلالة عليه، وليس برهاناً عليه فتأثير دلالة الكلام خلاف تأثير دلالة البرهان

“Ҳужжат далолати”: гапнинг тўғри эканига шаҳодат беради, “гапнинг далолати” эса: гапнинг тўғри ё нотўғрилигидан қатъи назар маъносини келтиришдан иборатдир, баъзи гаплар ҳужжат далолатини қамраб ҳам олади ва гапнинг тўғрилигидан шаҳодат беради.

Ҳужжат далолатини қамраб олувчи гаплар маъноси кўриниб турган бўлса, баъзилари бунинг акси ўлароқ барча ҳужжатни қамраб олмаслиги мумкин, чунки ҳар бир далил, нутқ орқали пайдо бўлиши мумкин ва унда ҳар бир маъно бўлиши мумкин ва исмнинг маъносини эмас, балки унинг моҳиятини исботлайди, шунингдек, бу йўл унинг исботи эмасдир”.

Келтирилган иқтибосдан айта олишимиз мумкинки, олим сўзнинг яқка ҳолдаги маъносинигина эмас балки, сўз бирикмаси шаклида англатаётган маънодан келиб чиқиб ёндошади. Бу эса, Ал-Аскарий томонидан таълиф этилган ушбу манбанинг араб тилини ўрганиш ва лексик қатлам хусусиятларининг туб моҳиятига етиб боришда муҳим рол ўйнайди.

Ушбу боб ўз моҳияти эътиборига кўра, бир неча синонимларнинг асл маъноларини келтириш билан биргаликда, уларнинг бир-биридан фарқинигина кўрсатишга бағишланиб қолмай, балки айти шу сўзларнинг бошқа синонимлари билан маъно уйғунлиги ва фарқларини очиб беришга мукамал хизмат қилган.

Биз кўпинча ўзбек тилида ҳам айрим сўзларни синоним ҳисоблаган ҳолда бирининг ўрнига бошқасини қўйиб ишлатилишига гувоҳ бўламиз. Агар мазкур ибораларнинг англатаётган асл маъносига эътибор қаратилса, баъзан

кулгили вазиятлар келиб чиқади. Масалан, таклифномалар таҳририда куйидаги ибора ўтади: “лутфан таклиф қиламиз”. Гапдаги биринчи шахс кўпликадаги “биз” (мустатир-кўринмас) – эга вазифасида бўлиб, “лутфан” сўзи унинг ҳолидир. Яъни, “сизга лутф кўрсатиб, сизни таклиф этмоқдамиз” маъносини англатади. Янаям аниқроқ айтиладиган бўлса, “сизни таклиф қилмаса ҳам бўлардию биз сизга лутф кўрсатмоқдамиз” маъносини беради. Бу аслида бошқача конструкцияда бўлган ибора бўлиб, сўзнинг асл моҳиятидан беҳабар бўлингани сабабли уни нотўғри таҳрир қилиш оқибатида юзага келган. Сабаби “лутф” сўзи кўриниши ва эшитилишидан чиройли бўлгани учун жумла гўёки гўзаллашади. Аммо, асли куйидагича бўлган “лутфан ташриф буюрсангиз”. Мана бу ҳолатда “лутфан” сўзи воситасида ифодаланган ҳол бевосита иккинчи шахсга оид бўлиб, назарда тутилаётган меҳмоннинг ташрифидан ҳақиқатда хурсанд бўлишлари баён қилинмоқда.

Барча тилларда ва жумладан араб тилида ҳам маъноси яқин сўзларни ўринга ўрин қўллаганда нотўғри маъно келиб чиқишини олдини олиш учун ҳам ушбу қимматли асар ёзилган десак муболаға бўлмайди.

“Ал-фуруқ ал-луғавийя” асарининг ёзилиши Абу Ҳилол ал-Аскарӣ яшаб ижод қилган давр тақозосидир. Зеро, бу даврга келиб араблардан ташқари араб бўлмаган халқлар ҳам ислом динини ақида сифатида қабул қилгандилар. Маълумки, ислом шариатида кўра, мусулмон аскарлар кириб борган ҳудудларда дин эркинлигига имконият берилган, бироқ айна шариат кўратмаси асосида ғайри динларни ҳимоя қилиш мақсадида улардан жазъя солиғи олинган. Исломи динини қабул қилган кишилардан эса бундай солиқ олинмаган. Шу сабабдан ҳам ислом динини дин сифатида қабул қилиш аксарият аҳоли учун қулайлик туғдирган. Бу эса, ўз навбатида Қуръони каримни ўрганиш ва тушунишга бўлган эҳтиёжни ортирган. Бунинг учун эса, аввало араб тили грамматикасини ўрганиш шу билан биргаликда лексик бирликларнинг алоҳида ва иборалар таркибида қандай маъно англатишини

тушунишга эҳтиёжни кўпайтирган. Ана шу ижтимоий ҳолат ҳам мазкур асар яратилишига сабаб бўлган бўлиши табиий.

Бундан ташқари, халифалик ҳудуди кенгайгани сари чекка ўлкаларда Қуръон оятларини нотўғри талқин қилиниши билан боғлиқ муаммолар тез-тез учраб турмоқда эди. Вазиятни тўғри баҳолаган олим “Ал-фуруқ ал-луғавийя” асарини ёзишга жазм қилгани айни сабабдан ҳам бўлган дея оламиз.

Ушбу китобни ўша даврдаги олимларидан тортиб оддий халқ ҳам эътиборли манба сифатида қабул қилган ва ундан кенг фойдаланган. Айниқса фикринг амалий қисми бўлган “фуруъ” масаласида луғатларга тўғри маъно бериш ўта муҳим бўлгани учун ҳам китоб ёзилган асридаёқ машҳурлик касб этган.

Бундан ташқари “Ал-фуруқ ал-луғавийя” асари ёзилишига туртки бўлган яна бир мўътабар манбалардан бири бу Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) ҳадислари дейишимиз ҳам мукин. Айни олим яшаган давр муҳаддислари ҳадисчиликда изчиллик, тизимли ёндошув, ҳадисларни жамлашнинг санад орқали ва мавзуси орқали хусусиятларидан келиб чиқиб ҳаракат қилган вақтлари эди. Бинобарин, ислом таълимотида Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турувчи манба ҳадислар мазмунини тўғри англаш бу борада синонимлар хусусиятини тўғри тушуниш ва талқин қилиш ҳам муҳим ҳисобланган.

Маълумки ҳадислар ровийларининг турфалиги боис, лафз турлича келган ҳадислар кўплаб топилади. Бу ерда инсон фактори вақт ўтиши билан хотиранинг сусайиши масалалари борлигини асло унутмаслик лозим. Бундан ташқари, тўқима ҳадисларнинг олдини олиш учун ҳам лексик бирликлар мазмун моҳиятини очиб берувчи манбага ўша даврнинг ўзида эҳтиж туғилиб бўлганда.

Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, Абу Ҳилол ал-Аскарӣ ушбу асар устида ишлар экан, исломгача давр шеърятига мурожаат қилиб, улардан кенг фойдаланган. Бу ўз навбатида араб мумтоз адабиётида образ ва баён уйғунлигини тадқиқ этиш учун ёрдам беради.

Баён қилинганлардан хулоса қиладиган бўлсак:

1) Абу Ҳилол ал-Аскарӣй “Балоғат илми”, “Танқид” ва “Ахлоқшунослик” илмлари доирасида ҳам тадқиқотлар олиб борган. Дастлабки билимларини “Тасҳиҳ ва таҳриф” муаллифи бўлган тоғаси Абу Аҳмад ал-Аскарӣйдан⁶ олган. Устозига садоқатли шогир сифатида унинг куняси билан чақирила бошланганлар.

2) Олим асарлари орасида “Ал-фуруқ ал-луғавийя” китобидан бошқа бизгача етиб келган асарлари: *جمهارات الأمثال* [Жамҳарат ал-Амсал] (Мақоллар тўплами); *كتاب الصنعتين* [Китаб ас-санъаатайн] (Икки санъат ҳақида рисола); *في ديوان المعاني* – “Қуръон тафсирларидаги гўзалликлар”, *القرآنالمحاسن تفسير* – “Маънолар девони”, *شرح الحماسة*, “Жасоратнинг изоҳи”, *الأوائل* – “Биринчилар”, *من احتكم من الخلفاء*, “Одоб маънолари”, *معاني الأدب* – “Кибрнинг ёмонлиги”, *ذم الكبير الدرهم والدينار*, “Изоҳлар”, *التبصرة* – “Халифалардан қозига мурожаатлар”, *إلى القضاة فضل*, “Беш жилдлик тафсир”, *التفسير في خمس مجلدات*, “Дирҳамлар ва диноралар”, *العطاء* – “Берилганларнинг фазилати”, *لحن الخاصة* – “Хосларнинг овози”.

3) Муаллифнинг *جمهرة أشعار العرب* – “Жамҳарат Ашъар аль-Араб” (Араб шеърлари тўплами) деб ҳам юритиладиган китобда муаллиф араб шоирларининг шеърлари ва қасидаларида ўз ифодасини топган сўзларнинг ишлатилиши ва қандай маъноларда келиши кўрсатиб берган. Китоб етти қисмдан иборат.

4) “Қуръон тафсирларидаги гўзалликлар” асари бевосита араб тили лексикологиясининг яна бир гўзал намунаси. Муаллиф Қуръон оятларини изоҳлаган энг гўзал тафсир намуналарини келтириб, сўзларнинг, жумладан тадқиқотимиз объекти бўлган синонимларнинг келиб чиқиши ва тўғри ишлатилиши бўйича ўз хулосаларини берган.

⁶Абу Аҳмад хижрий 846 йил Мадина шаҳрида туғилган. Унинг «ал-Аскарӣ» лақаби араб тилида “ҳарбий” маъносини берувчи «Аскар» сўзидандир. Унга мазкур кунянинг берилиши ўзи туғилиб ўсган Самарра қишлоғида ҳарбий аскар бўлиб, хизмат қилгангани сабабидандир. Ҳасан ал-Аскарӣйнинг отаси у йигирма икки ёшда эканида жангда ҳалок бўлади. Бошқа манбага кўра аббосий халифа Мўтаид томонидан захарлаб ўлдирилган дейилади. (Eliash, J. «Hasan al- 'Askarī, Abū Muḥammad Ḥasan b. 'Alī.» *Encyclopaedia of Islam, Second Edition*. Edited by: P. Bearman, Th. Bianquis, C.E. Bosworth, E. van Donzel and W.P. Heinrichs. Brill, 2010. Brill Online. Augustana. 13 April 2010).

5) “Ал-фурук ал-луғавийя” асари ёзилиши замирида ислом дининг асосий манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги маъноларни тўғри англаш ва тўғри талқин қилишга бўлган интилиш ётади.

6) Қуръонда синонимия масаласини ўрганиш тафсир тараққиёти учун янги истиқболларни очди. Бу борада Қуръоннинг сўз бойлигини контекстуал таҳлил қилиш оятларни шарҳлашда фойдали бўлиши мумкинлиги исботланди.

7) Ал-Аскарый томонидан таълиф этилган ушбу манбанинг араб тилини ўрганиш ва лексик қатлам хусусиятларининг туб моҳиятига етиб боришда муҳим рол ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 1407 .338 /9 . لبنان / بيروت - دار الكتاب العربي تاريخ الإسلام. امام الذهبي.
2. الفروق اللغوية. أبو هلال العسكري. دار العلم والثقافة. القاهرة.
3. Eliash, J. «Ḥasan al- ‘Askarī , Abū Muḥammad Ḥasan b. ‘Alī.» Encyclopaedia of Islam, Second Edition. Edited by: P. Bearman , Th. Bianquis , C.E. Bosworth , E. van Donzel and W.P. Heinrichs. Brill, 2010. Brill Online.Augustana. 13 April 2010).
4. Гак.В.Г «Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков». М., 1977; 2-е изд. 2010.
5. Крылов С.А. Некоторые особенности лингвистической концепции В.Г. Гака // Язык и действительность: Сб. науч. тр. памяти В.Г. Гака. — М., 2002. — С.
6. Соловьев В.И., Яковенко Э.В. Краткий русско-арабский общественно-политический словарь. — М.: Вост. лит., 2003. С. 249.
7. Телия В.Н. Типы языковых значений. Связанное значение слова в языке. — М., 1981. С. 115.
8. Уфимцева А.А., Азнаурова Э.С., Кубрякова Е.С., Телия В.Н. Лингвистическая сущность и аспекты номинации // Языковая номинация. (Общие вопросы). — М.: Наука, 1977. 27—41.